

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ХОМИДОВ ФАХРИДДИН ҒАФУРОВИЧ

**ИШҚОРИЙ-ЕР МЕТАЛЛАРИ АЛЮМИНАТЛАРИНИНГ ЗОЛЬ-ГЕЛЬ
СИНТЕЗИ, ПИШИШ ЖАРАЁНИДАГИ ФАЗА ҲОСИЛ БЎЛИШНИНГ
КИНЕТИКАСИ ВА МЕХАНИЗМИ**

02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хомидов Фахриддин Гафурович

Ишқорий-ер металлари алюминатларининг золь-гель синтези, пишиш
жараёнидаги фаза ҳосил бўлишнинг кинетикаси ва механизми.....3

Хомидов Фахриддин Гафурович

Золь-гель синтез алюминатов щелочноземельных металлов, процессы
кинетики и механизм фазообразования при спекании.....21

Khomidov Fakhriddin Gafurovich

Sol-gel synthesis of alkaline earth metal aluminates, kinetics processes and phase
formation mechanism during sintering.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC 02/30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ХОМИДОВ ФАХРИДДИН ҒАФУРОВИЧ

**ИШҚОРИЙ-ЕР МЕТАЛЛАРИ АЛЮМИНАТЛАРИНИНГ ЗОЛЬ-ГЕЛЬ
СИНТЕЗИ, ПИШИШ ЖАРАЁНИДАГИ ФАЗА ҲОСИЛ БЎЛИШНИНГ
КИНЕТИКАСИ ВА МЕХАНИЗМИ**

02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/К408 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қодирова Зулайхо Раимовна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Улуг Каримович
кимё фанлари доктори, профессор

Касимова Гўзал Анваровна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фаргона политехника институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «07» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улугбек кўчаси 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улугбек кўчаси 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, e-mail: ionxanruz@mail.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «23» ноябрь куни тарқатилди.

(2021 йил «23» ноябрдаги № 16 рақамли реестр баённомаси).



Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

Ш.С.Намазов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда замонавий материалшунослик соҳасида, айниқса силикат ва оксид бирикмаларининг фундаментал тадқиқотларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳадаги муҳим ва истиқболли йўналишлардан бири ишқорий-ер металлари алюминатлари асосида функционал материаллар олиш ҳисобланади. Юқори ҳароратли кимё соҳасида, ўта тоза, нанотузилишли бирикмалар, ҳусусан, паст ҳароратларда магний ва кальций алюминатларини олишда, ҳамда фазавий муносабатлар диаграммаларини тузиш билан пишиш жараёнидаги кристалл фазаларнинг структура ҳосил бўлиш кинетикаси ва механизмларини ўрганишда золь-гель усулини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, ёнилғи-энергетикаси ва хомашё ресурсларини тежаш учун ҳар хил саноат чиқиндиларидан оқилона фойдаланиш орқали паст ҳароратларда ишқорий-ер металлари алюминатларини синтез қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда жаҳонда, ишқорий-ер металлари, ҳусусан магний ва кальций алюминатлари золь-гель синтезини ўрганиш, шунингдек уларнинг функционал хоссаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, кристалл фазаларнинг ҳосил бўлиш механизми ва кинетикасини, турли хил иссиқлик билан ишлов бериш ҳароратларида иккиламчи ва учламчи системалар таркибидаги магний ва кальций алюминатлари ҳамда силикат компонентларнинг ўзаро кимёвий таъсирини, турли минерал ҳосил қилувчи қўшимчаларни алюмомагнезиал шпинел ва кальций моноалюминатлар фазаларининг структура ҳосил бўлиш тезлигига таъсирини асослашга, синтез қилинган оксид бирикмалар ва кремний таркибли компонентлар асосидаги қаттиқ эритмаларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада синтез жараёнини ўрганиш ва паст ҳароратда пишириладиган функционал керамик материаллар олишда уларнинг физик-техник хоссаларини аниқлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишига асосан «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹га, қаратилган асосий вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, золь-гель усулидан фойдаланиб, белгиланган хоссаларга эга янги функционал наноструктурали материалларни синтезини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида», 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислох

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чоп этилган илмий адабиётларда магний ва кальций алюминатларини синтез қилиш усуллари, хусусан золь-гель жараёни, пишишдаги фазаларнинг ўзаро боғлиқлиги, кинетикаси ва фаза ҳосил бўлиш реакцияси, ҳамда физик-техник хоссаларини яхшилашга бағишланган масалалар кенг ёритиб берилган. Иванова давлат кимё-технология университетида (Иванова, Россия) Н.Ф.Косенко раҳбарлигида, Россия Фанлар Академияси Силикатлар кимёси институтида О.А.Шилова раҳбарлигида, Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетида (Москва, Россия) Н.А.Шабанова раҳбарлигида, Урал Федерал университетида (Урал, Россия) И.Д. Кашеев раҳбарлигида ишқорий-ер металлари алюминатларини турли усуллар ёрдамида синтез қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган, шунингдек ушбу масалалар билан Е.Ф. Osborn, G.A. Rankin, Л.А. Селюнина, В.И. Верещагин, К.Н. Мамунина, J.F. Al-Sharob, I. Ganesh, N.A. Mansour, Z. Zhang, M.O. Сенина, А. Goldstein, M.F. Zawrah, W.K. Singh, Ch. Zhao, V. Kumar, K. Madhukumar, I.P. Sahu, Е.Ф. Полисадова, К. Morita, Н. Yoshida, А.А. Amera, D. Valiev, Р.Г.Гребенщиков, В.Б.Глушкова, М. Хожамбердиев каби бошқа етук олимлар ва тадқиқотчилар шуғулланишган.

Республикада, жумладан ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот лабораториясида Н.А. Сиражиддинов раҳбарлигида, З.Р. Қодирова, Г.П. Резенькова, Н.А. Акрамова, ҳамда бошқа етакчи олимлардан Р.И. Абдуллаева, А.М. Эминов, Д.У.Туляганов, Х.И. Акбаров, А.М. Насимов, О.Н. Рузимуродовлар турли хил синтез усуллардан фойдаланиб, алюминат ва силикат ишқорий-ер металлари асосида турли белгиланган функционал керамик материаллар олиш соҳасида бир қанча тадқиқот лойиҳалари амалга оширилган, ҳамда, поликристалл иккиламчи ва учламчи оксидли системаларнинг фазавий муносабатларининг бир қатор диаграммалари тузилган.

Шундан қилиб, ҳозирги вақтгача ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар асосида муҳим натижаларга эришилган бўлсада, аммо золь-гель усули орқали синтез қилинган кальций, магний алюминатларининг фаза ҳосил бўлиши ва кинетикаси, ҳамда улар асосида паст ҳароратда функционал керамик материаллар олишда минерал ҳосил қилувчи кўшимчаларни кристалл фазаларнинг структура ҳосил бўлиш кинетикасига таъсирини ўрганиш бўйича етарлича ишончли маълумотлар мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170920189 «Норуда хомашё ва иккиламчи ресурсларни комплекс қайта ишлаш йўли билан иссиқликни ҳимояловчи-оловбардош ва керамика материалларининг импорт ўрнини босувчи таркиблари ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишқорий-ер металлари алюминатларининг золь-гель синтези, пишиш жараёнидаги фаза ҳосил бўлишнинг кинетикаси ва механизмини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқ этилаётган хомашё компонентлар, яъни Шўртан газ кимё мажмуасининг глинозёмтаркибли ҳамда «Ўзметкомбинат» АЖнинг микрокремнезём чиқиндиларини кимёвий - минералогик таркиблари, физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

магний ва кальций моноалюминатларини синтез қилишда ва фаза ҳосил бўлиш кинетикасига металл тузлари ва гидроксидлари, глинозёмтаркибли чиқинди, ҳамда минерал ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг таъсирини ўрганиш;

магний, кальций моноалюминатлари ва кремнезёмтаркибли компонентлари ўртасида ҳосил бўладиган қаттиқ фазали реакцияларни ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш;

дастлабки компонентларнинг юқори ҳароратли кимёвий ўзаро таъсири натижасида поликомпонент оксидли системаларда қаттиқ эритмаларнинг кристалл структураларини шаклланиш қонуниятларини аниқлаш.

кристалл структураларнинг катион панжарасида изоморф алмашиниш концентрация диапазонлари ва ҳароратга боғлиқлигини аниқлаш;

$MgAl_2O_4-CaAl_2O_4$ бинар системасидаги фазавий ўзаро боғлиқлари диаграммасини қуриш;

юқори ҳароратли керамик материалларнинг функционал хусусиятларини аниқлаш;

тадқиқот натижаларини муҳокамадан ўтказиш ва улардан амалиётда фойдаланиш юзасидан тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шўртан газ кимё мажмуасининг глинозёмтаркибли чиқиндиси, «Ўзметкомбинат» АЖнинг микрокремнезём чиқиндиси, алюминий, магний, кальций тузлари ва гидроксидлари билан синтез қилинган магний ва кальций моноалюминатлар тажриба намуналари, ҳамда уларнинг юқори ҳароратли таъсир жараёнидаги қаттиқ эритмалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини пишиш жараёнида фаза ҳосил бўлиш кинетикаси ва механизми, тадқиқ этилаётган тажриба намуналарининг физик-кимёвий, физик-техник хоссаларини ўрганиш ҳамда юқори ҳароратда термик ишлов бериш режимларини «таркиб – тузилиш – хосса»ларига функционал боғлиқлигини аниқлашлар ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида замонавий физик-кимёвий (кимёвий, рентгеноспектрал, рентгенфаза, дифференциал-термик, ИҚ-спектроскопик, электрон-микроскопик) таҳлил ҳамда керамика ва золь-гель технологиясининг тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

золь-гель усули билан алюмомагнезиаль шпинель ва кальций моноалюминатини паст ҳароратда синтез қилишда глинозёмтаркибли чиқиндини ишлатиш имкониятлари асосланган;

магний ва кальций моноалюминатлари синтезига магний, кальций, тузлари ва гидроксидлари, глинозёмтаркибли чиқиндиларининг таъсири, ҳамда 500-1000°C ҳарорат оралиғидаги куйдириш жараёнида кристалл фаза ҳосил бўлиш кинетикаси ва механизмлари аниқланган;

1,5% миқдорда легирловчи европий оксиддан фойдаланиб, магний моноалюминатининг пишиш ҳароратини 1000°C дан 900°C гача охириги куйдириш ҳароратини 4 соат ушлаб туриш билан, ҳамда 1000°C ҳароратда пишадиган кальций моноалюминатининг ушлаб туриш вақтини 4 соатдан 1 соатгача камайиши исботланган;

1000°C ҳароратда синтез қилинган $MgAl_2O_4$ - $CaAl_2O_4$ бинар системасида Mg^{2+} ва Ca^{2+} катионларини изоморф алмашиниш механизмлари, ҳамда « $MgAl_2O_4$ - $CaAl_2O_4$ - микрокремнезём» учламчи системасида юқори ҳароратда қаттиқ эритмалар ҳосил бўлиш қонуниятлари ва синтез қилишнинг мақбул параметрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

золь-гель усули билан глинозёмтаркибли чиқинди ҳамда магний, кальций тузлари ва гидроксидларини магний, кальций моноалюминатларини синтез қилишда ишлатиш имкониятлари асосланган;

учламчи системалар асосида физик-кимёвий, физик-техник хоссалари яхшиланган функционал материалларнинг таркиблари мақбуллаштирилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги олинган натижалар физик-кимёвий тадқиқотнинг замонавий усуллари кўллаш орқали, ҳамда керамика технологиясининг тажриба синовлари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти золь-гель усули билан синтез қилинган магний ва кальций алюминатлари кристалл фазаларининг структура ҳосил бўлиш жараёнлари қонуниятларини асослаш, « $MgAl_2O_4$ - $CaAl_2O_4$ - микрокремнезём» учламчи системасининг фазавий боғлиқликлар диаграммасини тузиш, ҳамда олинган функционал керамик материалларни асосий физик-кимёвий ва физик-техник кўрсаткичлари хомашё компонентларнинг миқдорига функционал боғлиқлигини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти золь-гель усулидан фойдаланиб, алюмомагнезиаль шпинель, кальций моноалюминати ва микрокремнезём асосида физик-механик хоссалари яхшиланган паст ҳароратда пишадиган оловбардош керамик материалларининг самарали таркибларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий этилганлиги. Золь-гель усули билан ишқорий-ер металлари алюминатларининг синтези, пишиш жараёнидаги фаза ҳосил бўлиш кинетикаси ва механизмлари бўйича олинган маълумотлар асосида:

глинозёмтаркибли чиқинди, магний, кальций тузлари ва гидроксидларидан фойдаланиб ишқорий-ер алюминатларини паст ҳароратда пишиш жараёнидаги фаза ҳосил бўлиш кинетикаси ва механизмлари бўйича олинган натижаларидан №ПЗ-20170920189 «Норуда хомашё ва иккиламчи ресурсларни комплекс қайта ишлаш йўли билан иссиқликни ҳимояловчи - оловбардош ва керамика материалларининг импорт ўрнини босувчи таркиблари ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳасида қиёсий таҳлил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 12 октябрдаги 4/1255-2792-сон маълумотномаси). Натижада, янги учламчи алюмосиликат системалар асосидаги керамик материалларнинг қаттиқ фазали пишиш жараёнларидаги кинетикаси ва механизмлари ҳақидаги илмий асосланган фундаментал маълумотларни олиш имконини берган;

синтез қилинган магний, кальций моноалюминатлари ва микрокремнезём намуналари асосида оловбардош материаллар учун ишлаб чиқилган таркибларнинг тегишли концентрациялари «Бекобод–огнеупор» ҚҚнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Бекобод–огнеупор» ҚҚнинг 2021 йил 23 сентябрдаги 133-сон маълумотномаси). Натижада, мавжуд технология талабларига жавоб берадиган шпинелли оловбардош материаллар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг натижалари 7 халқаро ва 10 республика миқёсидаги илмий - амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий ишлар чоп этилган. Улардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалар асослаб берилган, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети аниқланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ишқорий-ер металлари алюминатларини синтез қилиш ҳолати ва замонавий кўриниши**» деб номланган биринчи бобида ишқорий-ер алюминатлари бирикмаларини синтези бўйича олиб борилган изланишлар ҳамда кимёвий плазма, электр таъсирида емирилиш, чўкма ҳосил қилиш, гетерофазали, гидротермал, Печини методи, золь-гель синтези каби замонавий усуллар билан синтез қилишнинг замонавий ҳолати ва уларни юқори ҳароратдаги фазавий ўзаро боғлиқлиги, физик-кимёвий, физик-механик ва бошқа хусусиятлари бўйича илмий-техник адабиётларда нашр этилган ишларнинг танқидий таҳлил натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Экспериментал қисм. Синтез, тадқиқ қилиш усуллари ва бирламчи материаллар**» деб номланган иккинчи бобида бирламчи хомашё материалларининг тавсифи, асосий синтез ва тадқиқ қилиш усуллари келтирилган. Тадқиқ қилинаётган хомашё компонентларининг кимё-минералогик хоссалари, фазавий ўзгаришлари ва иссиқлик билан ишлов берилганда кристалл ҳосил бўлиши ўрганилган. Шўртан-газ кимё мажмуасининг глинозёмтаркибли, «Ўзметкомбинат» АЖнинг микрокремнезём чиқиндиларининг физик-кимёвий хусусиятлари ҳамда юқори ҳароратдаги фазавий ўзгаришларини аниқлашда замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари билан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган ва олинган натижалари бўйича умумий маълумотлар берилган. Олинган физик-кимёвий таҳлил натижалари глинозёмтаркибли чиқиндида алюминий оксидининг миқдори 82,2 % эканлигини кўрсатди. 900°C ҳароратда термик ишлов берилгандан кейин алюминий оксидининг миқдори 96 % гача кўтарилди. Дастлабки глинозёмтаркибли чиқиндининг рентгенограммаси дифракция максимумлари гиббсит $d=0,618, 0,317, 0,241, 0,185, 0,145, 0,143, 0,131$ нм ва γ - глинозем $d= 0,455, 0,288, 0,236, 0,226, 0,197, 0,152, 0,139$ нм минералларига тегишли эканлиги кўрсатди. Бир фазали Al_2O_3 миқдорини ошириш учун глинозёмтаркибли чиқиндини 900 °C ҳароратда 120 минут давомида термик ишлов берилган. Натижада куб шаклида кристалланидиган γ -формадаги алюминий оксиди олинди. Рентгенограмма натижалари глинозёмтаркибли чиқиндига термик ишлов берилгандан кейин, сувни парчаланиши натижасида гиббсит минерали дифракция чизиқлари йўқолиб, $\gamma-Al_2O_3$ минералига тегишли бўлган $d=0,456, 0,280, 0,238, 0,227, 0,197, 0,151, 0,139$ нм дифракция максимумлари аниқланганлигини кўрсатди.

Шунингдек иккинчи бобда «Ўзметкомбинат» АЖнинг ферросилиций ишлаб чиқариш технологик печларини газ тозалаш жараёнида ҳосил бўладиган кремний таркибли микрокремнезём чиқиндисини ҳам физик-кимёвий усуллар орқали ўрганилган. Физик-кимёвий таҳлил натижалари микрокремнезёмнинг таркибида кремний оксиди миқдори 88 % дан, ҳамда фракция таркиби 1 мкмдан кўп эмаслигини, шунингдек темир ва магний оксидлари эса қолган оксидларга нисбатан кўпроқ эканлигини кўрсатди. Микрокремнезёмнинг рентгенограммасида кристалл фазалар аниқланмаганлиги уни аморф ҳолатда эканлиги билан изоҳланади.


Диссертациянинг «MgO-Al₂O₃, CaO-Al₂O₃ иккиламчи системаларининг синтези, физик-кимёвий тадқиқи ва кристалл структураларининг фаза ҳосил бўлиш кинетикаси» деб номланган учинчи бобида синтез бўйича тажриба натижалари маълумотлари, магний ва кальций моноалюминат бирикмаларининг фаза ҳосил бўлиш кинетикаси ва механизмлари, ҳамда уларнинг физик-кимёвий таснифи, золь-гель усули ёрдамида синтез қилиш ва кристалл ҳосил бўлиш реакция тезлигига минерал ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг таъсирини ўрганиш жараёнлари муҳокама қилинган. Тажриба тадқиқотлари олиб боришда кимёвий реагентлар, хусусан, магний ва кальций тузлари, алюминий гидроксиди ҳамда уларга мос келадиган гель ҳосил қилувчилар ишлатилган (1-жадвал).

1-Жадвал

Фойдаланиладиган металл тузлари ва гидроксидлари композицияси

Магний ва кальций тузлари	Сувда эрийдиган алюминий бирикмалари ва уларга мос келадиган гель ҳосил қилувчилар		
	Al(NO ₃) ₃ ·9H ₂ O	AlCl ₃ ·9H ₂ O	Al(OH) ₃
Mg(NO ₃) ₂ ·6H ₂ O	C ₆ H ₈ O ₇	ПВС	C ₆ H ₈ O ₇
MgCl ₂ ·6H ₂ O	ПВС	ПВС	ПВС
Ca(NO ₃) ₂ ·4H ₂ O	C ₆ H ₈ O ₇	ПВС	C ₆ H ₈ O ₇


1-расмда турли металл тузлари ва гидрооксидларининг композициялари билан 30 минут давомида 1000 °C ҳарорат таъсирида синтез қилинган намуналарнинг рентгенограммалари келтирилган. Кимёвий ва рентгенфаза таҳлил натижалари 1000 °C ҳароратда 30 минут ҳароратни ушлаб туриш вақтида AlCl₃+Mg(NO₃)₂ (2б- расм), AlCl₃+MgCl₂ (2д-расм), Al(OH)₃+Mg(NO₃)₂ (2в-расм), Al(OH)₃+MgCl₂ (2е-расм) композицияларига нисбатан Al(NO₃)₃+MgCl₂ (2а-расм) ва Al(NO₃)₃+Mg(NO₃)₂ (2г-расм) композицияларида шаклланган структурали шпинел олиш мумкинлини кўрсатди. Бироқ, тажрибалар натижалари шуни кўрсатдики, барча синтез қилинган намуналарда максимал шпинел ҳосил бўлиш реакцияси учун 30 минут ҳароратни ушлаб туриш вақти етарли эмас.



1-Расм. Турли композицияларда синтез қилинган намуналарнинг рентгенограммалари


- а) Al(NO₃)₃+Mg(NO₃)₂;
- б) AlCl₃ + Mg(NO₃)₂;
- в) Al(OH)₃ + Mg(NO₃)₂;
- г) Al(NO₃)₃ + MgCl₂;
- д) AlCl₃ + MgCl₂;
- е) Al(OH)₃ + MgCl₂

Синтез жараёнида ҳар хил бошланғич металл тузлари ва гидроксидларининг ўзаро таъсири тўғрисида олинган маълумотлар асосида Гинстлинг-Броунштейн тенгламасидан фойдаланиб тезлик константаси катталиклари ҳисобланган. 2-расмда ҳар хил прекурсорлар ёрдамида 1000 °C ҳароратда шпинель фаза ҳосил бўлишининг кинетик параметрлари кўрсатилган.




2-Расм. 1000°C ҳароратда MgAl₂O₄ пишишидаги фаза ҳосил бўлишига ва кинетик кўрсаткичларига прекурсорларнинг таъсири:
 1-Al(NO₃)₃+MgCl₂; 2-AlCl₃+MgCl₂;
 3-AlCl₃+Mg(NO₃)₂; 4-Al(NO₃)₃+Mg(NO₃)₂;
 5-Al(OH)₃+Mg(NO₃)₂; 6-Al(OH)₃+MgCl₂;
 7 - γ-Al₂O₃+MgO


Металл тузлари ва гидроксидлари таркибида, Al₂O₃ иштирокидаги реакцияда муҳим бўлган Хедвалл эффектининг намоён бўлиши туфайли шпинел фазасини ҳосил бўлишининг юқори самарадорлиги кузатилади. Иссиқлик билан ишлов бериш пайтида бу эффект кимёвий фаолликни ошириб кристалл структураларни шаклланишида ёрдам беради. Шунингдек, шпинель ҳосил бўлиши учун дастлабки реактивларнинг физик -кимёвий ҳолати жуда муҳимдир. Шпинель синтезининг кимёвий реакцияси қуйидагича содир бўлади:



Ушбу ҳолатда алюминий гидроксиди учун иссиқлик билан ишлов бериш жараёнида баъзи фазавий ўзгаришлар содир бўлади.




Магнийнинг нитратли бирикмалари парчаланишининг кимёвий реакциялари қуйидагича:



Юқоридаги реакциялар 400-600 °C ҳароратда H₂O молекулалари чиқиб кетиши билан тушунтирилади ва бир вақтнинг ўзида магний ва алюминийнинг фаол оксидлари пайдо бўлиб, бу икки оксид ўртасида қаттиқ фазадаги реакциялари вужудга келади, натижада шпинель минерали кристалл фазаларининг шаклланиши содир бўлади. Бу реакция Al₂O₃ иштирокидаги мураккаб полиморфизм билан тавсифланади. Полиморф алмашилини ҳолатида кристалл панжара вақтинча беқарор ҳолатда бўлади, бу эса реакция тезлигини оширади.

Шунингдек, глинозёмтаркибли чиқиндиларининг алюмомагнезиаль

шпинелнинг пишиш жараёнида 500-1000°C ҳарорат оралиғида 240 минут ушлаб туриш вақтида фаза ҳосил бўлиш реакцияси кинетикаси ва механизмларига таъсири ўрганилган. Рентгенфазали таҳлил натижалари (3-расм) 500°C ҳароратда асосий фазалар алюминий оксидининг γ-шаклига (d=0,456, 0,280, 0,197, 0,151, 0,139 нм) ва магний оксидига (d=0,210, 0,184, 0,121 нм) мос келувчи дифракция максимумларини, ҳамда шпинель фазаси ҳосил бўлиши бошланганини (d=0,284, 0,242, 0,155, 0,123 нм) кўрсатди. Ҳароратнинг 1000°C гача кўтарилиши билан шпинель фазасига мос келувчи рентген дифракция чизиқларининг интенсив ўсиши, шунингдек магний оксиди фазаси сезилмас даражада эканлиги кузатилди. Бу гамма шаклидаги алюминий оксидини магний оксидига нисбатан юқори реакция қобилиятга эга эканлиги билан тушунтирилади.




3-Расм. 240 минут ушлаб туриш вақти билан 500-1000°C ҳарорат оралиғида синтез қилинган намуналарнинг рентгенограммалари

$\text{Al}(\text{NO}_3)_3 + \text{Mg}(\text{NO}_3)_2$ композициясида алюмомагнезиаль шпинель кристалл фазаларининг максимал ҳосил бўлиши 1000 °C ҳароратда 120 минут ушлаб туриш билан содир бўлиши аниқланган. Глинезём таркибли чиқиндилари ёрдамида алюмомагнезиаль шпинелларнинг максимал кристалл ҳосил бўлиши 1000 °C ҳароратда 240 минут ушлаб туриш билан боради. Маълумки, V_2O_3 , V_4C , V_6O ва бошқалар асосан шпинель синтези учун минераллаштирувчи қўшимчалар сифатида ишлатилади. Камёб-ер элементларининг оксидли бирикмаларидан фаза ҳосил бўлиш реакциясини тезлаштириш учун минераллаштирувчи қўшимчалар сифатида европий оксиди (Eu_2O_3) ва иттрий оксиди (Y_2O_3) ишлатилган. Композицияга мос равишда европий оксиди 0,5-1,5% ва иттрий оксиди эса 1-3% қўшилган. Таркибга европий оксиди 1,5% миқдорда қўшилганда шпинель кристалл фазалари 240 минут ушлаб туриш муддати билан 900°C ҳароратда ҳосил бўлади.

СЭМ таҳлиллари, европий оксиди ($\text{MgAl}_2\text{O}_4 + (1,5\%)\text{Eu}_2\text{O}_3$) орқали лигерлаб синтез қилинган шпинель намунаси тахминан <1µм бўлган катта заррачалардан ва тахминан 500-700 нм ўлчамдаги сферик шаклдаги заиф агрегацияланган нанозаррачалардан иборатлигини кўрсатди. ЭДС таҳлили эса намуна юзасида магний, алюминий ва кислород кимёвий элементлари

борлигини, шунингдек ҳар бир намунада минераллаштирувчи элементлар кузатилганлигини кўрсатди. Натижалар, европий оксидини реакцияда иштирок этганлигини ва синтез қилинган шпинелнинг кристалл панжараси бўйлаб бир текис тақсимланганлигини кўрсатди.



4-Расм.
синтез қилинган
 $MgAl_2O_4+(1,5\%)Eu_2O_3$
намунанинг
микроструктураси
(x7500)

Электрон-микроскопик тадқиқотлар (4-расм) синтез қилинган $MgAl_2O_4+(1,5\%)Eu_2O_3$ намунасининг кристалл фазаси яхши шаклланган кристаллар ва куб шаклига эга эканлигини кўрсатди.

Кальций моноалюминати синтези учун қуйидаги композициялар асосида кальций нитратлари ва сувда эрийдиган алюминий бирикмалари ишлатилган:

- 1) $Al(NO_3)_3 \cdot 9H_2O + Ca(NO_3)_2 \cdot 4H_2O$
- 2) $AlCl_3 \cdot 9H_2O + Ca(NO_3)_2 \cdot 4H_2O$
- 3) $Al(OH)_3 + Ca(NO_3)_2 \cdot 4H_2O$

Ушбу композицияларда гель ҳосил қилувчи сифатида лимон кислотаси ($C_6H_8O_7$) ишлатилган.

Бирламчи компонентларнинг кристалл фазаларнинг структура ҳосил бўлишига таъсирини ўрганиш учун тадқиқ қилинаётган намуналарни $1000^\circ C$ ҳароратда 60 минут ушлаб туриш вақти билан куйдириб тез совутилди. Куйдирилган намуналарнинг фаза таркиблари рентгенфазали усул орқали текширилди ва олинган рентгенфазали таҳлил натижалари, $1000^\circ C$ ҳароратда 60 минут ушлаб туришда, барча синтез қилинган намуналарда асосан кальций моноалюминатга тегишли кристалл фазаларининг дифракция максимумларига мос келувчи ($d=0,552, 0,489, 0,467, 0,404, 0,319, 0,296, 0,285, 0,267, 0,251, 0,240, 0,219, 0,192, 0,165$ нм), ҳамда оралиқ маенит минералига ($Ca_{12}Al_{14}O_{33}$) тегишли дифракция максимумлари ($d=0,378, 0,244, 0,211, 0,206, 0,202, 0,187, 0,183, 0,175, 0,152, 0,145, 0,141$ нм) борлигини кўрсатди.


5-Расмда прекурсорлар ёрдамида $1000^\circ C$ пишиш ҳароратида $CaAl_2O_4$ нинг фаза ҳосил бўлишининг кинетик параметрлари кўрсатилган.

Золь-гель усули орқали кальций моноалюминатининг кристалл фазалар миқдорига ҳароратни ушлаб туриш вақти ўзгаришининг таъсирини ўрганиш бўйича тажриба натижалари, $1000^\circ C$ ҳароратда 120 минут ушлаб туриш билан барча синтез қилинган намуналарда кальций моноалюминатнинг ҳосил бўлиш реакцияси тугаши учун етарли эканлигини кўрсатди.

Маълумки, қаттиқ фазали синтез қилишда кальций моноалюминатнинг тўлиқ шаклланиши учун $1500^\circ C$ дан юқори ҳарорат талаб қилинади.

Бинобарин, $\gamma-Al_2O_3 - CaCO_3$ композицияда $1000^\circ C$ ҳароратда қаттиқ

фазали синтезда кальций моноалюминатнинг кристалл фазалари золь-гель усули билан синтез қилинган намуналарга қараганда камроқ ҳосил бўлади.




5-Расм. 1000°C ҳароратда CaAl_2O_4 пишишидаги фаза ҳосил бўлишига ва кинетик кўрсаткичларга прекурсорларнинг таъсири:

- 1 – $\text{Al}(\text{NO}_3)_3 + \text{Ca}(\text{NO}_3)_2$;
- 2 – $\text{AlCl}_3 + \text{Ca}(\text{NO}_3)_2$;
- 3 – $\text{Al}(\text{OH})_3 + \text{Ca}(\text{NO}_3)_2$;
- 4 – $\gamma\text{-Al}_2\text{O}_3 + \text{CaCO}$

Кейинги тажриба ишлари учун, хусусан, кальций моноалюминатнинг пишиш жараёнидаги фаза ҳосил бўлиш кинетикаси ва механизмини ўрганишда дастлабки компонентлар сифатида кальций нитрат ва глинозёмтаркибли чиқиндиларини танланган. Глинозёмтаркибли чиқинди ёрдамида кальций моноалюминатнинг синтези золь-гель усулида амалга оширилди. Золь-гель усули ёрдамида синтез қилинган намуналар 500-1000°C ҳарорат оралиғида 240 минут ушлаб туриш вақти билан термик ишлов берилди. Намуналарнинг фазавий таркиби рентген ва микроскопик таҳлиллар билан, аралашмалардаги эркин кальций оксиди миқдорини эса спирт-глицерат усуллари билан аниқланди.

Синтез қилинган намуналарнинг рентгенограммасида 500°C ҳароратда кальций моноалюминати ($d=0,467, 0,297, 0,251, 0,192$ нм) ва оралиқ маенит минерали ($d=0,244, 0,152$ нм) ҳосил бўлишининг бошланиши кузатилди. Ҳароратнинг 800°C гача кўтарилиши билан кальций моноалюминатнинг, шунингдек маенит минералининг дифракцион чизиқларининг жадал ўсиши кузатилди. Бироқ, ҳарорат 1000°C га кўтарилганда, маенит миқдорининг камайиши ва кальций моноалюминатининг интенсив шаклланиши содир бўлади.




6-Расм. 1000 °C ҳароратда синтез қилинган CaAl_2O_4 СЭМ а - 100 μm; б - 20 μm; в - 10 μm) ва г- ЭДС расмлари

СЭМ таҳлили натижалари (6-расм), золь-гель усули билан синтез қилинган кальций моноалюминати наноқовакларга эга бўлиб, унда кальций

моноалюминатнинг ромб структурали аниқ шаклланган зарраларига эга эканлигини кўрсатди. ЭДС натижалари эса ҳар бир кальций моноалюминат намуналарининг юзаси фақат Са, Al ва O кимёвий элементларга эга эканлигини тасдиқлади. Юқоридаги маълумотларга кўра, глинозёмтаркибли чиқиндилар орқали кальций алюминат синтези учун 1000 °С ҳароратда ушлаб туриш муддати 240 минут талаб қилиниши белгиланди.

Фаза ҳосил бўлиш реакциясини тезлаштириш учун минераллаштирувчи қўшимчалар сифатида камёб-ер элементларининг турли оксидли бирикмалари, европий оксиди (Eu_2O_3) ва неодим (Nd_2O_3) кабилар ишлатилди. Европий оксиди композицияга мос равишда 0,5 дан 1,5% гача ва неодимий оксиди 1,0 дан 5,0% гача қўшилди. Кимёвий ва рентгенфазали таҳлиллар асосида олинган натижалар, таркибга камёб-ер элементлари қўшилиши кальций моноалюминатнинг кристалл фазаларининг тузилишини яхшилашини кўрсатди. Кальций моноалюминатнинг кристалл ҳосил бўлиш реакцияси тўлиқ тугалланиши учун таркибга 5% миқдорда неодим оксиди, шунингдек, европий оксиди 1,0 ва 1,5% гача қўшилиши билан ҳароратни ушлаб туриш вақтини 240 минутдан 60 минутгача камайтиради. 1,0 ва 1,5% миқдорда европий оксиди қўшилган намуналарда кальций моноалюминатнинг фаза ҳосил бўлишидаги фарқ унчалик катта эмас. Кальций моноалюминатнинг фаза ҳосил бўлишида 1-3% неодим оксиди ва 0,5% европий оксиди қўшилиши орасидаги фарқ сезиларли эмас.



7-Расм. 60 минут ушлаб туриш билан 1000 °С ҳароратда синтез қилинган $\text{CaAl}_2\text{O}_4 + (1,5\%) \text{Eu}_2\text{O}_3$ намунасининг рентгенограммаси


7-Расмда кўрсатилганидек, 1000 °С ҳароратда 60 минут ушлаб туриш вақтида, кальций моноалюминатнинг кристалл фазаларининг структура ҳосил бўлиш реакцияси тўлиқ яқунланади.

Диссертациянинг **“Иккиламчи ва учламчи системалар асосида қаттиқ эритмалар ҳосил бўлиши ва фазавий ўзаро муносабатлар. Олинган алюмосиликат намуналарининг функционал тафсифлари”** деб номланган тўртинчи бобида $\text{MgAl}_2\text{O}_4\text{-CaAl}_2\text{O}_4$, MgAl_2O_4 -микрокремнезём, CaAl_2O_4 -микрокремнезём иккиламчи системасининг физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш ва уларнинг фазавий ўзаро муносабатлар диаграммасини қуриш ҳамда $\text{MgAl}_2\text{O}_4\text{-CaAl}_2\text{O}_4$ -микрокремнезём учламчи системасининг физик-кимёвий тафсифлари, куйдириш ва кристалл ҳосил бўлиш жараёнлари муҳокама қилинган.

Магний ва кальций тузлари ҳамда глинозёмтаркибли чиқиндини ишлатган ҳолда золь-гель усулида синтез қилинган $MgAl_2O_4$ ва $CaAl_2O_4$ асосида қаттиқ эритмалар олиш ва изоморф атомлардан ҳосил бўлиш шароитларини ўрганиш учун бир қатор намуналар тузилган. Олинган намуналарни бир ҳиллигини рентгенфазали ва кристалл оптик усуллар билан аниқланган.

Рентгенфазали ва кристалл оптик изланишлар барча концентрланган интервалларда, алюмомагнезиал шпинель моноалюминат кальций билан қаттиқ ҳолда ва кристалланиш жараёнида $Ca_xMg_{(1-x)}Al_2O_4$ кўринишдаги узлуксиз қаттиқ аралашма ҳосил бўлишини кўрсатди.

Синтез қилинган намуналардан олинган рентгенфазали таҳлил натижалари, $1400^\circ C$ ҳароратда куйдирилгандаги кристалл фазалари бирламчи тоза алюмомагнезиаль шпинелдан 80 мол% шпинель + 20 мол% кальций моноалюминат намунасигача куб шаклидаги кристалл тузилишга эга эканлигини кўрсатди. 70 мол % шпинель + 30 мол % кальций моноалюминат ва 60 мол % шпинель + 40 мол % кальций моноалюминат таркибли намуналарда моноклин ва куб шаклидаги кристалл тузилишли аралашмалардан иборатлиги аниқланди. 50 мол % шпинель + 50 мол % кальций моноалюминатдан тоза кальций моноалюминатгача бўлган барча намуналар моноклин тузилишли кристалл фазадан иборатлиги аниқланди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, $Ca_{0,8}Mg_{1,2}Al_2O_4$ дан $Ca_{1,2}Mg_{0,8}Al_2O_4$ гача бўлган қаттиқ аралашмалар инконгруэнт эрийди. Рентгенфазали таҳлил натижаларига кўра $Ca_xMg_{1-x}Al_2O_4$ қаттиқ аралашма таркибида алюмомагнезиал шпинелни микдори ортиши билан дифракцион катталиклар кичик бурчаклар томонга силжиши кузатилди.



8-Расм.
« $MgAl_2O_4$ - $CaAl_2O_4$
-микрокремнезем»
учламчи
системасининг
иккиламчи
политермик
кесимлар билан
ўзаро муносабатлар
диаграммаси

Термик ишлов бериш билан эриш ҳарорати ва кристалл фаза ҳосил бўлишини аниқлаш мақсадида синтез қилинган магний ва кальций моноалюминатлари ҳамда дисперс шаклидаги микрокремнеземдан иборат

бир қатор концентранган таркиблар тайёрланди. Изланишлар натижасида иккиламчи системанинг бирикмалар ва қаттиқ эритмалар ҳосил қилувчи изотермик чизиқлари кўрсатилган политермик кесимлари асосида « $MgAl_2O_4$ - $CaAl_2O_4$ - микрокремнезём» учламчи системасининг ўзаро муносабатлар диаграммаси қурилган (8-расм). Ўтказилган рентгенфаза таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ушбу учламчи системада бирламчи компонентлар бирикмаларининг охириги пишиш нуқтасида анортит, кордиерит, тридимит, геленит, муллит, шпинель, ҳамда $Ca_xMg_{1-x}Al_2O_4$ ва $Ca_xMg_{1-x}Al_2SiO_6$ қаттиқ эритмалари ҳосил бўлишини кўрсатди.

Алюмомагнезиаль шпинель хром қўшимчали шпинелларга қараганда катта устунлик берувчи қайтар жараёнларга нисбатан чидамлироқ. У шпинель - кальций моноалюминат, шпинель - магний ортосиликат, шпинель - кальций ортосиликат системаларида осон эрувчи эвтектикалар ҳосил қилмайди. Шунинг учун ушбу системаларда ҳосил бўлувчи қаттиқ эритмалар асосида тайёрланган оловбардош материаллар оҳакли-глиноземли тошқоллар билан ишловчи электр печларида юқори бардошлилиги билан ажралиб туради. Шуларни эътиборга олиб кальций моноалюминати ва микрокремнеземни шпинелли таркибга қўшилгандаги физик-техник хусусиятларига таъсирини ўрганилган. Кальций моноалюминати ва микрокремнезём таркибга тўлдирувчи ва модификацияловчи қўшимчалар сифатида қўшилганини таъкидлаш лозим.

Юқорида келтирилган хусусиятларни тадқиқ қилиш учун « $MgAl_2O_4$ - $CaAl_2O_4$ - микрокремнезём» учламчи системаси асосида қаттиқ фаза пишиш усули билан бир нечта намуналар синтез қилинган ва натижалар 2-жадвалда келтирилган.


2-Жадвал

« $MgAl_2O_4$ - $CaAl_2O_4$ - микрокремнезем» системаси асосидаги намуналарнинг таркиблари ва уларнинг физик-техник хусусиятлари

Намуна индекси	Бирламчи компонентлар миқдори, масс. %			Оловбардошлилик, °C,	Қуйдиришдан кейинги зичлик, Н/мм ² ,	Қуйдиришдан кейинги сиқилишга дағи мустаҳкамлик, Н/мм ² ,	Говаклилик, дан кўп эмас, %
	$MgAl_2O_4$	$CaAl_2O_4$	Микро-кремнезем				
ШКМ-1	80	15	5	1765	2,5	45	18
ШКМ-2	80	10	10	1765	2,6	46	17
ШКМ-3	80	5	15	1760	2,6	46	17
ШКМ-4	85	10	5	1785	2,5	45	18
ШКМ-5	85	5	10	1780	2,6	46	17
ШКМ-6	85	3	12	1780	2,6	46	17
ШКМ-7	87	3	10	1780	2,6	46	17
ШКМ-8	90	7	3	1790	2,5	45	19
ШКМ-9	90	5	5	1790	2,5	45	19
ШКМ-10	90	3	7	1780	2,4	44	20
ШКМ-11	95	5	-	1800	2,3	43	21
ШКМ-12	95	-	5	1800	2,4	44	20
ШКМ-0	100	-	-	1850	2,2	40	25

2-Жадвалдаги келтирилган натижалар кальций моноалюминати ва микрокремнезёмни шпинель асосидаги таркибга қўшиш билан барча физик-техник кўрсаткичлар яхшиланганлигини оловбардошлилик эса 1850°C дан 1765°C гача ўзгарганлигини кўрсатди.

9-Расмда ШКМ-0, ШКМ-5 ва ШКМ-12 намуналарининг 1450°C ҳароратда куйдирилгандаги СЭМ таҳлил натижалари келтирилган.



9-Расм. Куйдирилган намуналарнинг СЭМ таҳлили
 а) ШКМ-0
 б) ШКМ-12;
 в) ШКМ-5

СЭМ таҳлил натижалари ШКМ-0 намунаси 1 μm дан кичик ўлчамдаги ингичка шакланган кристалл зарраларидан иборатлигини ва юзадаги кристаллларнинг чегаралари аниқ кўришиб турганлигини кўрсатди. 5% микрокремнезём қўшилган ШКМ-12 намунасида ШКМ-0 га қараганда йирикроқ бўлган 1-10 μm диапазондаги кристалл зарралари шакланганлиги аниқланди. 5 масс.% CaAl_2O_4 ва 10 масс.% микрокремнезём қўшилган ШКМ-5 намунасида эса кристалл заррачаларининг ўлчами 30 μm гача йириклашганлиги ва ғоваклар миқдорининг пишиш жараёнида сезиларли камайганлиги аниқланди. Шунини таъкидлаб ўтгиз жоизки, кальций моноалюминати ва микрокремнезёмни шпинелли таркибга қўшилиши зичлик, мустаҳкамликни ошириб, ғовакликни эса камайтирган. Қўшимчалар миқдорининг ошиши билан олинаётган материалнинг оловбардошлилиги пасайиши кузатилди. Шунини эътиборга олиб намуналарнинг оловбардошлилик ва физик-техник кўрсаткичларини керакли миқдорда ушлаб туриш учун таркибга кальций моноалюминати ва микрокремнезём миқдорини 10 % гача қўшиш мақбул эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, олинган тажриба натижаларини ҳисобга олган ҳолда « MgAl_2O_4 - CaAl_2O_4 - микрокремнезём» системаси асосида олинган қаттиқ аралашмалар уларни юқори физик-техник хусусиятларга эга оловбардош материаллар эканлигини кўрсатди. Аниқланган физик-техник кўрсаткичларни эътиборга олиб « MgAl_2O_4 - CaAl_2O_4 - микрокремнезём» системаси асосидаги таркибларни охакли-глиноземли тошқоллар билан ишловчи иссиқлик агрегатлари, ҳамда метал ва пўлат эритиш индукцион печлари учун махсус оловбардош материаллар таркибини лойиҳалаштиришда ва ишлаб чиқишда фойдаланиш учун тавсия этилди.

ХУЛОСА

1. Замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари, керамика ва золь-гель технологияси усулларида фойдаланиб ҳомашё компонентлари яъни Шўртан ГКМ глинозёмтаркибли, “Ўзметкомбинат” АЖ микрокремнезём чиқиндиларининг ҳамда улар асосидаги синтез қилинган намуналарнинг кимёвий-минералогик таркиби ва физик-кимёвий тавсифлари ўрганилган.
2. Сувда эрувчи алюминий, магний, кальций бирикмалари ва глинозем таркибли чиқиндиларнинг 500-1000°C ҳарорат оралиғида магний ва кальций алюминатларини синтез қилишга, фаза ҳосил бўлишнинг механизми ва кинетикасига таъсири асосланган. Алюмомагнезиаль шпинель оралиқ минераллар ҳосил қилмасдан, кальций моноалюминати эса маенит оралиқ минерали орқали ҳосил бўлиши аниқланган.
3. Алюмомагнезиаль шпинель ва кальций моноалюминати кристалл фазаларининг максимал даражада ҳосил бўлиши $\text{Al}(\text{NO}_3)_3 + \text{Mg}(\text{NO}_3)_2$ ва $\text{Al}(\text{NO}_3)_3 + \text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ композицияларда 1000°C ҳарорат 120 минутда, глинозёмтаркибли чиқиндиси асосида эса 1000°C ҳарорат 240 минутда ҳосил бўлиши аниқланган. Камёб ер элементлари билан легирлаш орқали синтез қилиш ҳарорати шпинель учун 900°C, кальций моноалюминатида ҳароратни ушлаб туриш вақтини 240 минутдан 60 минутгача туширганлиги аниқланган.
4. Глинозёмтаркибли чиқинди, сувда эрувчи алюминий, магний, кальций тузлари ва гидроксидларининг турли ҳил композицияларида пишиш жараёнидаги фаза ҳосил бўлиш механизмлари асосланган ҳамда кинетик кўрсаткичлари ҳисобланган.
5. “ $\text{MgAl}_2\text{O}_4 - \text{CaAl}_2\text{O}_4$, $\text{MgAl}_2\text{O}_4 - \text{микрокремнезём}$ ”, “ $\text{CaAl}_2\text{O}_4 - \text{микрокремнезём}$ ” бинар системаларининг физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилган ва уларнинг фазавий ўзаро муносабатлар диаграммаси қурилган.
6. “ $\text{MgAl}_2\text{O}_4 - \text{CaAl}_2\text{O}_4 - \text{микрокремнезём}$ ” учламчи ситемасининг физик-кимёвий хусусиятлари, куйдириш ва кристалланиш жараёнлари тадқиқ қилинган. Анортит, кордиерит, тридимит, геленит, муллит, шпинель шаклидаги минераллар ҳамда $\text{Ca}_x\text{Mg}_{1-x}\text{Al}_2\text{O}_4$ ва $\text{Ca}_x\text{Mg}_{1-x}\text{Al}_2\text{SiO}_6$ қаттиқ эритмалар ҳосил бўлиши аниқланган.
7. Учламчи системалар асосида олинган қаттиқ эритма намуналари, юқори ҳароратга чидамли эканлиги ва физик-техник хоссалари бўйича талаб даражасидаги шпинелли оловбардош материаллар олиш учун тавсия этилган.
8. Олинган илмий натижалар, ишқорий-ер металлари алюминатларининг пишишдаги кристал фаза структураларининг ҳосил бўлиши, кинетикаси ва механизми тадқиқотида физик-кимёвий изланишлар бўйича қўлланма сифатида, ҳамда амалиётда золь-гель усулидан фойдаланиб, паст ҳароратда куйдириладиган оловбардош материаллар олиш мумкинлиги кўрсатилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ХОМИДОВ ФАХРИДДИН ГАФУРОВИЧ

**ЗОЛЬ-ГЕЛЬ СИНТЕЗ АЛЮМИНАТОВ ЩЕЛОЧНОЗЕМЕЛЬНЫХ
МЕТАЛЛОВ, ПРОЦЕССЫ КИНЕТИКИ И МЕХАНИЗМ
ФАЗООБРАЗОВАНИЯ ПРИ СПЕКАНИИ**

02.00.15- Технология силикатных и тугоплавких неметаллических материалов

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.2.PhD/К408

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии АН РУз.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net.uz.](http://www.ziyo.net.uz))

Научный руководитель: Кадырова Зулайхо Раимовна
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: Ахмедов Улуг Каримович
доктор химических наук, профессор
Касимова Гузал Анваровна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация Ферганский политехнический институт

Защита состоится «07» декабря 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета DSc.02/30.12.2019..К/Т.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека 77а. Тел.: (99871)262-56-60; email: ionxanruz@mail.ru

Диссертация зарегистрирована в библиотеке Института общей и неорганической химии за №16, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека 77а. Тел: (99871) 262-56-60).

Автореферат диссертации разослан «23» ноября 2021 года.

(реестр протокола рассылки №16 от «23» ноября 2021 года)



Б.С.Закиров
Председатель разового научного совета
по присуждению учёных степеней, д.х.н., проф.

Д.С.Салиханова
Ученый секретарь разового научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н., проф.

Ш.С.Намазов
Председатель научного семинара при
разовом научном совете по присуждению
учёных степеней, академик

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость диссертационной темы. В мире уделяется большое внимание для развития фундаментальных исследований в области современного материаловедения, в частности силикатных материалов и оксидных соединений. Одним из важных и перспективных направлений в этой области является получение функциональных материалов на основе алюминатов щелочноземельных металлов. При этом следует отметить, что для экономии топливно-энергетических и сырьевых ресурсов синтез алюминатов щелочноземельных металлов при низкой температуре путем рационального использования отходов различных промышленности имеет актуальное значение. Применение золь-гель метода для получения высокочистых, нано структурированных соединений, в частности алюминатов магния и кальция при низкой температуре, а также исследование кинетики и механизма структурообразования кристаллических фаз в процессах спекания, с построением диаграмм фазовых взаимоотношений имеет важное значение в области высокотемпературной химии.

В настоящее время в мире проводятся научные исследования по золь-гель синтезу алюминатов щелочноземельных металлов, в частности магния и кальция, а также усовершенствованию их функциональных свойств. В этом плане особое внимание уделяется исследованию механизма и кинетики фазообразования кристаллических фаз, химическому взаимодействию между алюминатами кальция, магния и силикатного компонента в композициях двойных и тройных систем при различных температурах термообработки, обоснованию влияния минерализующих добавок на скорость структурообразования фаз алюмомагнезиальной шпинели и моноалюмината кальция, изучению физико-химических свойств твердого раствора на основе синтезированных оксидных соединений и кремнеземсодержащего компонента.

В республике осуществляются широкомасштабные мероприятия по исследованию процессов синтеза и получения керамических функциональных материалов низкотемпературного спекания, с определением их физико-технических свойств, достигнуты определенные научные и практические результаты. Согласно четвертому направлению Стратегий действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, определены главные задачи, направленные «созданию эффективных механизмов внедрения в практику поощрения научно-исследовательской и инновационной деятельности»¹. В этом плане, приобретает особое значение исследование синтеза новых функциональных наноструктурных материалов заданными свойствами с помощью золь-гель методов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-4265 от 3 апреля 2019 г. «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышения ее инвестиционной привлекательности», ПП-4805 от 12 августа 2020 г. «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химия и биология», а также в других нормативно-правовых документах, принятых по данной сфере.

Соответствие исследований с основными приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. В опубликованных литературных источниках широко освещены вопросы, посвященные синтезу алюмината магния и кальция золь-гель методам, фазовых взаимоотношений, кинетике и реакциям образования при спекании, также улучшению физико-технических свойств. Ряд научных исследований посвященные синтезу алюминатов щелочноземельных металлов с использованием различных методов проведены на кафедрах Ивановского государственного химико-технологического университета (Иванова, Россия) под руководством Н.Ф.Косенко, Института химии силикатов РАН под руководством О.А. Шиловой, Российского химико-технологического университета им. Д.И. Менделеева (Москва, Россия) под руководством Н.А.Шабановой, в Уральском федеральном университете (Ураль, Россия) под руководством И.Д.Кашеева, также этими вопросами занимались ведущие ученые, как E.F.Osborn, G.A.Rankin, Л.А.Селюнина, В.И.Верещагин, К.Н.Мамунина, J.F.Al-Sharob, I.Ganesh, N.A.Mansour, Z.Zhang, М.О.Сенина, A.Goldstein, H.Antonio De Aza, M.F.Zawrah, W.K.Singh, Ch.Zhao, V.Kumar, K.Madhukumar, I.P.Sahu, Е.Ф.Полисадова, К.Morita, H.Yoshida, А.А.Amera, D.Valiev, P.Г.Гребенщиков, В.Б.Глушкова М.Хожамбердиев и другие исследователи.

В Республике, в частности научно-исследовательской лаборатории Института общей и неорганической химии АН РУз, под руководством Н.А.Сиражиддинова и другими ведущими учеными З.Р.Кадыровой, Г.П.Резеньковой, Н.А.Акрамовой, Р.И.Абдуллаевой, А.М.Эминовым, Д.Тулягановым, Х.И.Акбаровым, А.М.Насимовым, О.Н.Рузимурадовым проведены ряд научно-исследовательских работ в области получения функциональных керамических материалов различного назначения на основе алюминатов и силикатов щелочноземельных металлов с использованием различных методов синтеза, а также построены ряд диаграмм фазовых взаимоотношений поликристаллических двойных и тройных оксидных систем.

Таким образом, к настоящему времени проведенными исследованиями в этом направлении достигнуты значительные результаты. Однако, отсутствует достаточно достоверные информации по исследованию кинетики и

